



Ўзбекистон Республикасида содир этилётган киберфирибгарликларга оид айрим мулоҳазалар.

Аҳмаджонов Иброҳим
Юсуфхон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси 120-гуруҳ курсанти

Annotatsiya

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида содир этилаётган киберфирибгарлик жиноятларининг моҳияти, тушунчаси ва анъанавий фирибгарликдан фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, киберфирибгарликнинг психологик ва технологик таркибий қисмлари, уни амалга ошириш усуллари ҳамда интернет тармоғида қўлланиладиган асосий воситалар кенг ёритиб берилган. Муаллиф томонидан киберфирибгарликнинг турлари (фишинг, спам, киберсквоттинг, тайпсквоттинг ва бошқалар) илмий нуқтаи назардан таснифланган ва уларнинг амалий кўринишлари мисоллар орқали очиб берилган. Шу билан бирга, ушбу жиноят турининг юқори даражадаги яширинлиги, трансмиллий хусусияти ва уни фош этишдаги қийинчиликлар асосланган. Мақолада киберфирибгарликдан ҳимояланиш чоралари ҳамда профилактика масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Kalit so'zlar

киберфирибгарлик, интернет жиноятлари, фирибгарлик, фишинг, спам, киберсквоттинг, тайпсквоттинг, электрон тўлов тизими, ахборот технологиялари, киберхавфсизлик, психологик таъсир, технологик усуллар, интернет тармоғи, жиноят профилактикаси.

Некоторые соображения о кибермошенничестве, совершаемом в Республике Узбекистан.

Аннотация: В данной статье проанализированы сущность, понятие кибермошенничества и его отличительные особенности от традиционных форм мошенничества, совершаемых в Республике Узбекистан. Также подробно освещены психологические и технологические составляющие кибермошенничества, способы его реализации, а также основные средства, используемые в сети Интернет. Автором с научной точки зрения классифицированы виды кибермошенничества (фишинг, спам, киберсквоттинг, тайпсквоттинг и другие), а их практические проявления раскрыты на конкретных примерах. Наряду с этим обоснованы высокая степень латентности данного вида преступлений, его транснациональный характер и сложности в их раскрытии. В статье уделено особое внимание мерам защиты от кибермошенничества и вопросам профилактики.

Ключевые слова: кибермошенничество, интернет-преступления, мошенничество, фишинг, спам, киберсквоттинг, тайпсквоттинг, система электронных платежей, информационные технологии, кибербезопасность, психологическое воздействие, технологические методы, сеть Интернет, профилактика преступлений.

Some considerations on cyber fraud committed in the Republic of Uzbekistan.

Abstract: This article analyzes the essence, concept, and distinguishing features of cyber fraud compared to traditional forms of fraud in the Republic of Uzbekistan. It also comprehensively examines the psychological and technological components of cyber fraud, the methods of its implementation, and the main tools used on the Internet. The author classifies the types of cyber fraud (phishing, spam, cybersquatting, typosquatting, and others) from a scientific perspective and illustrates their practical manifestations with examples. In addition, the high level of latency of this type of crime, its transnational nature, and the difficulties associated with its detection are substantiated. The article pays special attention to measures for protection against cyber fraud and issues of prevention.

Keywords: cyber fraud, internet crimes, fraud, phishing, spam, cybersquatting, typosquatting, electronic payment system, information technologies, cybersecurity, psychological influence, technological methods, Internet, crime prevention.

Киберфирибгарлик тушунчаси ва бошқа фирибгарликлардан фарқи;

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш йўлида жуда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Кучли иқтисодий ислохотлар даврида мамлакатда турли соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз бериши билан бирга ўзгалар мулкига қарши қаратилган айрим жиноятларнинг содир этилиши давом этаётганлиги барчада хавотир уйғотиши ҳеч биримизга сир эмас.

Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалигини, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлигини, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши. мулкдан фойдаланиш фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги ҳақида қатъий таъкидлаб ўтилган¹.

Жиноят қонунига кўра *фирибгарлик* деганда, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

ҳуқуқни қўлга киритиш тушунилиши ҳақида расмий таъриф кўрсатиб ўтилган². Айни даврда инсоният тараққиёти, техника ва технологиялар ривожланиши натижасида барча жиноятларнинг, жумладан фирибгарликнинг ҳам турли хилдаги кўринишлари кўпайиб бормоқда. Булардан энг хатарли ва замонавий таҳдид - Киберфирибгарликдир. Киберфирибгарлик деганда, интернет жаҳон ахборот тармоғи ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш тушунилади. Бу борада, Россиялик ҳуқуқшунос олим И.А. Никитина: “Киберфирибгарлик - анъанавий фирибгарликнинг замонавий тури бўлиб, ўзганинг мулкани интернет ёрдамида ишончни суистеъмол қилиш орқали қўлга киритишдир”³, -дея таъриф берган.

Киберфирибгарликнинг шахс онгига таъсир кўрсатиш шакли ва воситалари. Интернет фирибгарлари ўз қабиҳ ниятларига эришиш учун турли хил айёрликлардан фойдаланадилар. Ушбу турдаги фирибгарлик иккита: психологик ва технологик таркибдан ташкил топади⁴. Психологик таркиб жабрланувчининг руҳига таъсир қилиб, ўз мулкани бошқа шахсларнинг қўлига топшириб қўйиши учун мотивацион хиссиётларни уйғотади. Психологик таъсир қуйидаги элементлардан ташкил топади:⁵

1. Даромад топишга интилиш - тез бойиб кетиш мақсадида фирибгарларнинг қармоғига тушиб қолиш (масалан, инвестицион фирибгарлик, молиявий пирамидалар)

2. Пулли хизмат ва маҳсулотларни бепул қўлга киритиш истаги (масалан, ҳақ тўланмайдиган).

3. Қўлга киритиш қийин ёки мумкин бўлмаган педметларни қўлга киритиш истаги асосан аукцион, мавжуд бўлмаган маҳсулот ва хизматларни сотишда намоён бўлади.

4. Ғамхўрлик ва ачиниш хислари.

Фирибгарлар ушбу элементлар асосида жабрланувчининг руҳиятига таъсир қилиб, ачиниш, меҳр-муҳаббат каби хиссиётларини уйғотади ҳамда ишончни суистеъмол қилиш йўли билан моддий қимматликларни қўлга киритади. Бу каби ҳолатларга, тузалмас дардга йўлиққанлик, табиий офатардан жабрланганлик, фарзандларини боқиш учун пул кераклиги каби инсон хистуйғуларига таъсир қилувчи баҳоналарни мисол қилиб келтириш мумкин.

Киберфирибгарликнинг технологик таркиби эса, фирибгарларга биринчидан, потенциал жабрланувчиларга биринчи бўлиб маълумот етказишни; иккинчидан, ўзининг анонимлиги ва хавфсизлигини таъминлашни; учинчидан, моддий қимматликларни жабрланувчи билан тўғридан-тўғри мулоқатга киришмасдан қўлга киритиш каби имкониятларни яратиб беради.

² Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят Кодекси” 168-модда 1-қисм <https://lex.uz/docs/111453>

³ И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37.

<https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>

⁴ Хренов С. Интернет-мошенничество с использованием технологий сотовой связи. URL:

<http://www.breru/security/13296/html>

⁵ И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37.

<https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>

Интернет фирибгарлари ўзларининг қора ниятларини амалга оширишлари учун Интернет тармоғида мавжуд бўлган қуйидаги техник-информацион воситалардан фойдаланишади:

1. World Wide Web (WWW) ёки бутун жаҳон ўргимчак тўри деб аталувчи интернет тармоғи;

2. E-mail (электрон почта) – ҳозирги пайтда ер юзи бўйлаб миллионлаб фойдаланувчиларга эга бўлган, спам юбориш мақсадида фирибгарлар томонидан фаол фойдаланиладиган восита⁶;

3. BBS - электрон эълонлар тахтаси. АҚШ фуқаролари томонидан жудаям кенг фойдаланиладиган тармоқ.

4. Электрон тўлов ёки электрон пуллар тизими.

Киберфирибгарликнинг эътиборли жиҳати шундаки, фирибгарлар нафақат ахборот-технологиялардан фаол фойдаланиш балки, уларни жиноят қуроли сифатида қўллаш натижасида қуйидагиларга эришадилар:

- тақдим этилган фирибгарликка фаолиятига доир маълумотларнинг ишончлилиги учун электрон почта орқали юборилган ва электрон тахталар ва веб-сайтларда жойлаштирилган маълумотларнинг тўғрилиги тўғрисидаги доимий ва самарали маълумотларни яратиш;

- Интернет ва сайт фойдаланувчиларининг шикоятлар тўғрисидаги маълумотларни алмаша олмаслиги;

- фуқаролар ва интернет ўртасидаги фуқровий-ҳуқуқий муносабатларнинг издан чиқиши.

Киберфирибгарлик ўзининг янги принциплари асосида жиноий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган қуйидаги белгиларга эга:

- Юқори даражадаги яширинлик;

- Жиноят содир этишнинг ҳилма-хиллиги;

- Трансмиллий ва глобал характерга эгаллигида;

- жиноят-процессуал, терговга қадар текширув ва ишга алоқадордалиларни тўплашнинг қийинлиги,

Киберфирибгарликдан жабрланувчилар ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар бўлиши мумкин. Кўплаб ҳолатларда тўлов операцияларини мунтазам равишда амалга ошириб келганлиги туфайли юридик шахслар кўпроқ жабр кўрадилар.

Интернет тармоғи фирибгарлар учун юқори даражадаги анонимликни яратиб беради. Бу эса Киберфирибгарлик - жиноятчиликнинг ҳали ахборот жамиятимиз қаршилиқ кўрсатишга тайёр бўлмаган энг юқори даражадаги яширин тури эканлигини кўрсатади.

Ҳуқуқшунос олим И.А. Никитина интернет ёрдамида содир этиладиган фирибгарликни қуйидаги гуруҳларга бўлган:

-Онлайн аукционлар;

-маҳсулот етказиб бериш;

- ҳамкорлик дастурлари;

- уяли алоқадан фойдаларган ҳолда амалга оширилувчи;

⁶ Альтовский Е. Правовое противодействие спаму // Информационное право. 2006. № 3. С. 38–40.

- фишинг.⁷

Хукуқшунос олимлар А. Шилова, М. К. Печалина Киберфирибгарликни бажариш услубига кўра қуйидаги турларга бўлишган:

- Киберсквоттинг;
- Тайпсквоттинг;
- Фишинг;
- Спам;
- Маҳсулот ва хизматларни ўз ичига олган реклама;
- Тўлов тизимидаги фирибгарлик;
- Нигериянча мактублар;
- Алдаш дастурлари;
- SMS овоз бериш ва тўлов
- компютер ва фойдаланувчини блокловчи баннерлар⁸.

Киберсквоттинг (ингилизча - cybersquatting) – бу пул топиш усули бўлиб, айрим компания ва брендларнинг янги турдаги маҳсулотларини таҳлил қилишга асосланган. Киберсквоттер янги турдаги бу каби маҳсулотларни аниқлаганда унинг доменига ўхшаш доменни ўз номига расмийлаштириб, қайта сотиш мақсадини кўзлайди. Мисол учун киберсквоттерлар томонидан қуйидагича доменлар яратилиши мумкин:

- Korzinka.uz-Korzinkaa.uz/Korzinka3.uz;
- dba.uz-dba rasmiy.uz/ dbauz.uz.

Киберсквоттернинг даромадларини қуйидагилар ташкил топади:

- Бренд эгасининг домен номини сотиш;
- Маҳсулот эгасининг ва бренднинг номини ва обрўсини қадрсизлантиришга олиб келиб, компаниянинг сохта веб-сайтини яратишга олиб келадиган маълумотлар тарқатиш. Шу сабабли Киберсквоттинг ноқонуний ҳисобланади.

Киберсквоттингдан ҳимояланиш учун компания ва брендларнинг барча домен номини расмийлаштириб рўйхатдан ўтказиб қўйиш зарур.

Тайпсквоттинг (1-расм⁹) киберсквоттингнинг бир тури бўлиб, классик киберсквоттинг каби доменларни қалбакилаштириш билан эмас, балки ўхшаш домен яратиш орқали фаолият олиб боради. Бунда, домен номлари биргина ҳарфни тушириб қолдириш орқали шакллантирилади. Тайпсквоттинг доменларига мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:


- <https://yandex.uz/> - <https://andex.uz/>
- <https://nbu.uz/uz/> - <https://nb.uz/uz/>

Тайпсквоттингдан ҳимояланиш учун тегишли доменларни бир неча хил вариантларда расмийлаштириш натижасида тайпсквоттерлар ҳужумини олдини олиш мумкин.

⁷ И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37. 123 бет. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>

⁸ В. А. Шилова, М. К. Печалина. Интернет- мошенничество как значимая характеристика «Экранного мира» сети стр. 325-327 <https://cyberleninka.ru/article/n/>


⁹ Алданиб қолманг! Фирибгарлар интернетда ютуқли ўйинлар ҳақида фейк таркатмоқда <https://kun.uz/03496220>



1-расм. Тайпвоттерлар томонидан яратилган сайт ва унинг домени

Фишинг (инглизча-балиқ овлаш) – Киберфирибгарликнинг энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, бунда фишерлар жабрланувчи шахсларнинг банк ҳисобрақамлари ва уларга тегишли идентификация рақамлари ҳамда кодларини қўлга киритиш учун уларни турли йўллар билан ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Бундай жиноий фаолиятни амалга оширишда улар интернет, хусусан, “Instagram”, “Tik tok” каби ижтимоий тармоқлар, “Telegram” ва “Watsapp” каби мессенжерлардан фойдаланадилар. Ўзларининг қабих ниятларини амалга ошириш учун фишерлар қуйидаги усулларни қўллайдилар:

Спам – бу усулда жиноятчилар жабрланувчини турли усуллар билан қўрқитгани ҳолда, жабрланувчининг ҳисоб рақамига, пластик карталарига улашиб олишни назарда тутадилар. Бундай тарздаги қўрқитишларга картангизга турли хилдаги абонент тўловлари улашиб қўйилганлиги ҳамда кунлик абонент тўлови ечилишини айтиб, уни ўчириб бериш мақсадида паролларни ва шахсий пластик карта маълумотларини сўраш киради.



2-расм. Тайпсквоттерлар томонидан тайёрланган ҳавола

Товар ва хизматлар рекламаси - томонидан турли хилдаги интернет дўконларнинг қалбаки веб-сайтлари яратилиб, турли хилдаги маҳсулотларни етказиб бериш эвазига олдиндан пул талаб қилиб олинади. Пули тўланган маҳсулот эса албатта етказиб берилмайди. Троян дастурларни қўллаш орқали фирибгарликнинг сайтига кирувчи ҳаволалар тайёрланади. Ушбу ҳаволаларни устига босиш натижасида фишерлар томонидан тайёрланган турли хил дастурларни автоматик юклаб Троян дастурларни қўллаш орқали фирибгарликнинг сайтига кирувчи ҳаволалар тайёрлашади. Ушбу обуна бўлиб томонидан тайёрланган турли хил дастурларни автоматик юклаб олиш, турли хил пулли хизматларга қолиш ёки пластик карта ва шахсий маълумотларни киритиш мақсадида тайёрланган дастурларни ишга тушириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, киберфирибгарлик замонавий ахборот технологиялари ривожига билан узвий боғлиқ ҳолда жадал тарқалаётган ва юқори даражада яширинликка эга бўлган жиноят тури эканлиги аниқланади. Унинг трансмиллий хусусияти ва амалга ошириш усулларининг хилма-хиллиги мазкур жиноятни фож этиш ва олдини олишни мураккаблаштиради. Шу боис, киберфирибгарликка қарши самарали курашиш учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини кучайтириш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда назорат механизмларини жорий этиш



хамда аҳолининг киберхукуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят Кодекси”
3. И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>
4. Хренов С. Интернет-мошенничество с использованием технологий сотовой связи. URL: <http://www.breru/security/13296/html>
5. И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>
6. Альтовский Е. Правовое противодействие спаму // Информационное право. 2006. № 3. С. 38–40.
7. И.А. Никитина Финансовое мошенничество в сети интернет. УДК 343.37. 123 бет. <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovoe-moshennichestvo-v-seti-internet>
8. В. А. Шилова, М. К. Печалина. Интернет-мошенничество как значимая характеристика «Экранного мира» сети стр. 325-327 <https://cyberleninka.ru/article/n/>
9. Алданиб қолманг! Фирибгарлар интернетда ютукли ўйинлар ҳақида фейк тарқатмоқда <https://kun.uz/03496220>